



# MILLIY TIKLANISH

10 (494) ● 2018 йил 7 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ МОЛИЯ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март куни икки томонлама идоралараро маслаҳатлашулар ўтказиш учун мамлакатимизга амалий таширф билан келган Россия Федерацияси молия вазири Антон Силуановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, олий даражадаги мунтазам учрашувлар ва мулоқотлар, эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимлар амалга ошири-лаётгани мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик

муносабатларини, кўп қиррали, шу жумладан, молиявий соҳадаги ҳамкор-ликни кенгайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда икки мамлакат молия вазирилари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил апрель ойида Россия Федерация-сига давлат таширфи чоғида имзолан-ган ҳамкорлик тўғрисидаги меморан-дум доирасида яқин ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда молиявий соҳадаги самарали мулоқотни янада ривожлан-тириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Молия, солиқ ва боғжона орган-ларини модернизация қилиш, бюд-жетни режалаштириш, маҳаллий бюджетлар муносиблигига эришиш, молиявий назорат бўйича самарали механизмларни такомиллаштириш ва бошқа йўналишлар бўйича илғор тажриба, технологиялар ва билимлар-ни жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларни молиялашти-риш, Россиянинг етакчи таълим муас-сасалари негизида соҳа учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди.

Россия молия вазири давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун мин-натдорлик билдириб, Россия Феде-рацияси Президенти Владимир Путин ва ҳукумати Раиси Дмитрий Медве-девнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Антон Силуанов Россия мамлакат-ларимиз ўртасида молиявий соҳадаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли ама-лий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдорлиги, бу борадаги шерикликни давом этти-ришга тайёрлигини билдирди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТОЖИКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 2018 йил 9-10 март кунлари давлат таширфи билан Тожикистонда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ўзаро таширфларини осонлаштириш масалалари муҳокама қилинади, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокаралар якуни бўйича Президентларнинг Қўшма баёноти, Ўзбе-кистон – Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартнома, Фуқароларнинг ўзаро қатнови тўғрисидаги битим, шунингдек, турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қара-тилган жами 25 дан ортиқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, таширф доирасида ўтказиладиган бизнес-форум ва Ўзбекистон миллий саноат кўргазмасида тижорат шартномалари ва иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги кооперацияга оид битимлар им-золаниши кўзда тутилган. Икки мамлакат санъат усталари иштирокида концерт ташкил этилиши ҳам мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда республика иқтисодиёти ва аҳо-лисига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилсин. Йўловчи ташиш йўналишлари тармоғи 2006 йилга нисбатан 1,4 бараварга ортди, республи-када 117 та йўловчи автовокзали ва автостанцияси фа-олият кўрсатмоқда, ташувлар хавфсизлигини таъмин-лаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга автотранспорт хизматлари соҳа-сини жадал ривожлантиришнинг мавжуд имконият-лари ва захираларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Автотранспорт хўжалиklarини модернизация қи-лиш замонвий талаблар даражасида эмас, соҳада илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва интеллектуал транспорт тизимлари етарли даражада жорий этилмапти. Оғир юк ташувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракатдаги таркиби паркиннинг эскирганлиги юқориликча қолмоқда. Мамлакатнинг автотранспорт хизматлари экспорти ва транзитини ошириш салоҳиятининг имкониятлари ва захирала-

ридан тўлақонли фойдаланилмаяпти.

Ташиш жараёнлари, қатнов жадвалларига риоя этилиши, йўловчилар томонидан йўл ҳақини элек-трон тарзда тўлаш самарадорлиги, тушумнинг йиғилиши ва тўлалиги устидан марказлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва назорати тизими мавжуд эмас. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги амалга ошираётган ишлар минтақалардаги йўловчи транспортини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлар томонидан деярли такрорлан-моқда.

Автомобилда ташишлар ва йўл ҳаракати хавфсиз-лигини таъминлаш юзасидан назорат чораларининг тубдан кучайтирилиши йўловчилар автотранспорти-да факулда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактика чоралар кўришни талаб этади.

Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль транспортда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда авто-транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва

ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг дарё транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви бўйича ваколати Ўзбекистон Республи-каси Фавқулда вазиятлар вазирига ўтказилсин.
2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорт агент-лиги (кейинги ўринларда "Ўзавтотранс" агентлиги деб аталади) этиб қайта номлансин.
3. Қуйидагилар "Ўзавтотранс" агентлигининг асо-сий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:  
автомобиль транспорт объектлари ва йўловчи-лар хавфсизлигини таъминловчи истиқболли ахбо-рот-коммуникацион технологияларини  
ва инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда янги бошқарув тизимларини жорий этиб, автомо-биль транспорт соҳасида ягона техника сиёсатини юритиш;

2-бет →

### Семинар-тренинг

## ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАШАБУСЛАР

РЎЁБИДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ЯҚҚОЛ СЕЗИЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демокра-тик партияси Марказий кенгаши томонидан "ЎзМТДП сайловолди Платформасида бел-гиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилишда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари-нинг устувор вазифалари" мавзусида уч кунлик семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Ўзбе-кистон "Миллий тикланиш" демократик пар-тияси Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



4-бет →

### Сана

## АЁЛ ҲАЁТИДАН РОЗИ БЎЛСА...

ЎзМТДП ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ



Қўлдам нафаси сезилиб, қир-адирларда бойчечак бўй кўрсатган, табиатга уйғун кўнглилар ҳам янги уйғониш палласига қадам қўйган шу кезларда Халқаро хотин-қизлар куни мамлакатимизнинг барча гунасида катта шодиёна билан қарши олинмоқда. Ҳар қандай байрам нафақат шодиёна, балки шу йўналишдаги фа-олиятни сарҳисоб қилиш, келгуси режаларни белгилаб олишга ҳам ундайди.

Шу ўринда савол туғилади: мамлакатимизда хотин-қиз-ларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ЎзМТДП қандай иштирок этмоқда? Партия ҳаётида хотин-қизлар қандай ўрин тутаяди? Улар мам-лакатимизда кечаётган бугунги янгиликлар ва ўзгаришларга қай даражада ҳисса қўшмоқда? Жамиятимиз ҳаётидаги ян-гиланишлар партия "Аёллар қаноти" фаолиятида қанчалик акс этаяпти?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида партиянинг бир гуруҳ фаол аёлларини сўхбатга тортиди.

3-бет →

### Муносабат

## ОРТИҚЧА ДАБДАБА ВА ИСРОФГАРЧИЛИК МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА ҒОВ БЎЛАЁТГАН ИЛПАТГА АЙЛАНДИ

Мамлакатимизда асрлар давомида шаклланган ва қарор топган ўзига хос маънавий қадриятлар, миллий анъаналар бугунги кунда жамиятимизнинг ажралмас бир қисми, турмуш тарзимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзаро меҳр-оқи-бат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, тўйлар, оилавий таътаналар, маърака ва маросимларни жамоатчилик билан маслаҳатлашган ҳолда ўтказиш каби халқимизга хос урф-одам ва анъаналар шулар жумласидандир.

Болажон халқимиз. Фарзандимиз улғайгани сари яхши ният билан тўй тарад-дуга тушамиз. Бироқ кейинги пайтларда тўй билан боғлиқ анъаналаримиз қаторига айрим бемаъни урф ва расм-русумлар қўшилдики, уларнинг миллий қадриятларимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аксинча, ҳаддан зиёд дабдаба ва исрофгарчиликдан иборат бўлаётди. Тўй ва маъракалардаги номақбул ҳолат ва сарф-харажатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият орган-лари қарорлар қабул қилган бўлса-да, лекин қутилган натижани бермаяпти.

3-бет →

### Ўз-ўзини танқид

## ВАКОЛАТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

"Депутат бўлиш, халқ ишончини қозониш ва уни муносиб ра-вишида оқлаш — бу осон эмас. Бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Депутат — фикри зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиши ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс".

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлда парла-мент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган виде-оселектор йиғилишида айтган бу сўзлари бир ҳақиқатдан дарак беради: аҳоли ва давлат ўртасида кўприк бўлиб, кўпсонли фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳудуд ривожини йўлида жон қойитиш ишлаш депутат учун ҳам шараф, ҳам масъулиятдир.

Аслида ҳам ҳудуддаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, аҳоли турмуш фаровонлигига тўсиқ бўлаётган, одамларни қийнаётган масалаларни жойида ўрганиб, ўз ваколати доирасида уларни ҳал этиш чораларини кўриши сайловчи ишончини қозонишининг муҳим омилдир. Депутат ўзи сайланган сиёсий партиянинг мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг электорати манфаатларини таъминлашда доим қатъиятлик билан фаолият кўрсатиши, қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланган ҳолда аниқ натижага эришишга интиломи лозим.

4-бет →













